

## Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари (2-қисм)



12:20 / 14.03.2018 5306

*4635. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан бир фақирликдан, етишмасликдан, хорликдан паноҳ сўрайман. Сендан зулм қилишимдан ва зулмга қолишимдан паноҳ сўрайман», дер эдилар».**

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдаги дуода ҳам бир неча нохуш нарсалардан Аллоҳ таолодан паноҳ тилаш бор.

**1. Фақирлик.**

«Фақирлик» сўзи аслида фақир – умуртқа поғонасининг синишидан олинган. Бундай мусибатга учраган одам қўлидан ҳеч нарса келмай, ўзгаларга муҳтож бўлиб, қимирлай олмай, ётиб қолади. Шунга ўхшаб, фақирлик ҳам кишига муҳтожлик келтиради.

## **2. Етишмаслик.**

Яъни яхшилик ва хайр-бараканинг камлиги. Бу ҳам одамнинг муҳтожлиги аломати ва бошига тушган кулфати бўлади.

## **3. Хорлик.**

Кишининг бошқалар олдида ҳақорат қилиниши хорлик бўлади. Бошқалар уни одам ўрнида кўрмаса, ҳурмат қилмаса ва у билан ҳисоблашмаса, ўша одам хор бўлади. Бу ҳам ҳар қандай одам учун катта мусибат бўлади.

## **4. Зулм қилиш.**

Бу ишни қилган одам золим бўлади. Золимнинг кимлигини ва зулмнинг оқибати қандай бўлишини ҳамма яхши билади.

## **5. Зулмга қолиш.**

Бунга дучор бўлган одам мазлум дейилади. Бу ҳам ҳеч кимга муносиб кўрилмайдиган ҳолатлардандир.

Уламолар «Ушбу дуолардан мурод умматга таълим беришдир», деганлар.

*4636. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ҳаққа хилоф қилишдан, мунофиқ бўлишдан ва ёмон ахлоқли бўлишдан паноҳ сўрайман», дер эдилар».**

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида бу дунё ва охирада кўп бало ва офатларга сабаб бўладиган нарсалардан паноҳ сўрамоқдалар.

Ҳаққа хилоф қилиш ва мунофиқ бўлиш ёмон ахлоқнинг кўзга кўринган намуналаридан ҳисобланади. Шунинг учун бу жумлани уламоларимиз «умумий нарсанинг хусусийсидан кейин келтирилиши» деб баҳолаганлар.

Бизлар ҳам бу нарсалардан паноҳ сўраб туришга одатланишимиз керак.

4637. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан очликдан паноҳ сўрайман. У қандоқ ҳам ёмон ёстиқдош. Сендан хиёнатдан паноҳ сўрайман. У қандоқ ҳам ёмон сирдош», дер эдилар».**

**Шарҳ:** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифларида паноҳ сўралган нарсалардан бири моддий, иккинчиси маънавий-ахлоқий нуқсон эканига эътибор қилайлик. Бундан мусулмон банда ҳам жисмоний, ҳам руҳоний етуклик учун ҳаракат қилиши кераклиги келиб чиқади.

**4638. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан песликдан, жинниликдан, моховдан ва ёмон дардлардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».**

*Ушбу бештани Абу Довуд ва Насайи ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида олдин ёмон дардлардан уchtасини номи билан алоҳида зикр қилиб туриб, кейин умумлаштирувчи сўз ила паноҳ сўраган эканлар. Албатта, сиҳат-саломатлик катта неъмат, ундан маҳрум бўлишдан паноҳ сўраб туриш лозим.

4639. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида ухлаб ётган эдим. Бас, кечаси у зотни йўқотиб қўйдим. Изласам, қўлим у зотнинг оёқларига тегди. У зот саждада турган эканлар ва «Сенинг ризолигинг ила ғазабингдан, офият беришинг ила иқобингдан паноҳ сўрайман. Сени Ўзингни Ўзинг мақтагандек мақтаб, охирига етказа олмайман», демоқда эканлар».**

*Термизий ва Насайилар ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифда кечаси намозда ва саждада туриб паноҳ сўраш бор.

**4640. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан инкор қилинган ахлоқлардан, амаллардан ва ҳавои нафслардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».**

*Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.*

**Шарҳ:** «Паноҳ сўраш калималари» сарлавҳаси остида келган ҳадиси шарифларни бирма-бир батафсил шарҳ қилмадик. Уларни ўқиб, яхши тушуниб олиш керак. Агар уларнинг ҳеч бўлмаганда, баъзиларини ёдлаб олиб, ўқиб юрилса, жуда яхши бўлади.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*